ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ЗОМИН ТУМАНИ ҲОКИМИ
Қ А Р О Р И

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
ZOMIN TUMANI HOKIMI
Q A R O R I

"04" 06 2020 йил 811-сон Зомин тумани

Йўл транспорт ҳодисалари олдини олиш ҳамда аҳоли ва пиёдаларнинг харакат хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 19 майдаги "Ўзбекистон Республикаси йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 377-сонли қарори билан тасдикланган "2018-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл харакати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси"нинг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6-моддасига асосан қарор қиламан:

1.Туман ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасининг 2020 йил 20 мартдаги 967-сонли хати ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2020 йил 31 мартдаги 164-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Зомин тумани, Даштобод шаҳридаги 4Р40 "Даштобод ш. - Зомин ш. -Супа- Ғаллаорол ш." автомобиль йўлининг 1-2 км оралиғидаги йўлнинг чап томонида жойлашган ички хўжалик йўлининг 4К238 "Даштобод ш.- Ём қ.-Туркман қ.-Қовункесди қ." автомобиль йўли билан туташган қисми (А.Навоий кўчасига олиб борувчи айланма йўл) йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда аҳоли ва пиёдаларнинг харакат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб бетон тўсиқлар билан ёпилсин ҳамда автомототранспорт харакати тўхтатилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси (У.Бўронов) йўл ҳаракати хавфсизлиги туман бўлинмаси билан биргаликда белгиланган тартибда мазкур автомобиль йўлига бетон тўсиклар ва тегишли йўл белгиларини ўрнатсин.

4. Туман йўл харакати хавфсизлиги бўлинмаси (М.Битанов)га автомобил йўли тўсилганлиги муносабати билан йўл харакати хавфсизлиги ходимини бириктириш хамда харакат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси топширилсин.

5. Мазкур қарор "Шарк тонги" газетасида эълон килинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Т.Усмонкуловнинг зиммасига юклансин.

Туман ҳокими А.Абдуғаниев